
Шўрқишлоқдаги сайёр қабулда маҳалласи инфратузилмасини яхшилашга оид истиқболли вазифалар белгиланди

Ўзбекистон туман ҳокими Шерзоджон Юлдашевнинг аҳоли мурожаатларини ўрганиш бўйича навбатдаги сайёр қабули бугун “Шўрқишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди.

Туман ҳокими ўринbosарлари, масъул ташкилот ва муассасалар раҳбарлари жалб этилган қабулда маҳалла аҳли томонидан кўтарилиган асосий масала - қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга оид чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Маҳалланинг йўл инфратузилмаси, ичимлик суви ва электр таъминоти билан боғлиқ муаммолар мутахассислар иштирокида аниқ ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича манзилли чора-тадбирлар режасини тузиладиган бўлди. Бу ҳақда туман ҳокими томонидан тегишли мутасаддиларга вазифалар юклатилди.

Шунингдек қабул давомида туманнинг бошқа ҳудудларидан ҳам ташриф буюрган фуқароларнинг коммунал соҳа, бандликни таъминлаш, моддий ёрдам, соғликни тиклаш, кадастр ва тадбиркорликни ривожлантириш каби ўндан зиёд мурожаатлари атрофлича ўрганишлар ўтказилиши белгиланди.

Ҳар бир мурожаат ижроси юзасидан муддат ва масъуллар белгиланиб, назоратга олинди.

2024-11-29 17:25:40